O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Қадамингг қутлуг келсин, Янги йил...

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 1-yanvar • № 1 (4036)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Қадрли отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, азиз ўғил-қизларим, болаларим!

Янги йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолган мана шу файзли ва шукуҳли дамларда сизларни қизғин муборакбод этишдан, барчангизга самимий меҳр ва ҳурматимни билдириб, эзгу тилакларимни изҳор қилишдан бахтиёрман.

Айни мана шундай унутилмас, гўзал оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азиз юртдошларимга янги йилда оилаларингизга шоду хуррамлик, сиҳат-саломатлик, бахту саодат, янги омадлар ёр бўлишини, кексаю ёш, ҳар қайси инсон қалбининг тўрида бўлган энг ёруғ орзу-ниятлар ушалишини чин юракдан тилайман.

Ҳурматли дўстлар!

Якунига етиб бораётган 2009 йилни кузатар эканмиз, йил мобайнида эл-юртимиз бошидан кечирган қанча-қанча синов, қийинчилик ва муаммоларни енгиб ўтганимизни беихтиёр эслашимиз, бир сўз билан айтганда, бу йил мамлакатимиз учун осон келмаганини таъкидлашимиз табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, бутун жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган, ўзи билан ўта оғир салбий оқибатларни олиб келаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатиш, бу хавфнинг олдини олиш биз учун йил давомида ғоят мураккаб вазифа бўлиб тургани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Бугун барча мамлакатлар ва халқларнинг бошига тушган ана шу савдо, яъни иқтисодий ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши, минглаб корхоналар касодга учраши натижасида ишсизликнинг кўпайиши, одамларнинг даромади ва турмуш даражасининг тобора пасайиб боришидан — бундай оғир қисматдан Ўзбекистонимизни, халқимизни сақлаб қолиш ва бу синовдан ёруғ юз билан чиқиш 2009 йилда биз учун энг асосий ва долзарб вазифага айланди.

Бизнинг бу борадаги ҳаракатларимиз юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширган ислоҳотлар ва мамлакатимизни янгилаш сиёсатининг, биз танлаган ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий тараққиёт йўлининг, инқирозга қарши ўз вақтида кўрган чора-тадбирларимизнинг нақадар тўғри эканини яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Бу йил об-ҳавонинг ғоят ноқулай келиб, баҳордаги узлуксиз ёғингарчилик туфайли экиш мавсумининг бир ойга кечикиб кетгани ва бошқа қўплаб қийинчиликлар ҳосил тақдирини хавф остига қўйиб, қишлоқ хўжалиги учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирганидан ҳам ҳаммамиз хабардормиз.

Фақат кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган деҳқон ва фермерлар, мутахассисларимизнинг меҳнат жасорати, соҳага берилаётган доимий катта эътибор ҳисобидан барча қийинчиликларни енгиб, ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича белгиланган марраларга эришганимиз бу йилги энг катта ғалабаларимиз қаторига киради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтиб бораётган йилга юртимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб ном берганимиз ва шу муносабат билан махсус давлат дастурини амалга оширганимиз қишлоқ ҳаётини обод этиш, қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини юксалтириш, уларнинг яшаш шароитини шаҳар даражасига яқинлаштириш каби ғоят муҳим мақсадларга эришиш йўлида қўйилган салмоқли қадамлар бўлди.

Шу борада бошлаган эзгу ишларимизнинг моҳияти ва кўламини, давлатимизнинг бу масалага қандай улкан аҳамият бераётганини ушбу дастурни бажариш учун барча манбалар ҳисобидан шу йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлангани ҳам кўрсатиб турибди.

Ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз, қишлоқ тараққиёти ва ободончилигига қаратилган бундай улкан харажатларимиз мамлакатимиз миқёсида, унинг турли соҳа ва тармоқларида — бу саноат ва қурилиш, транспорт ва коммуникация бўладими, таълим-тарбия, тиббиёт ва маданият соҳалари бўладими — бутун иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга ошираётган дастурларимизнинг узвий бир қисмидир.

Бугун ўз салбий таъсирини ўтказаётган инқирозга қарамасдан, 2009 йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз 8,1 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 33,0 фоизга ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса 26,5 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40,0 фоизга ошгани бунинг яққол далили ва исботи десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шуни ҳам катта мамнуният билан қайд этмоқчиманки, кириб келаётган 2010 йилда ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини камида 30 фоизга кўпайтириш кўзда тутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг янги йил олди кайфиятига албатта янги қувонч бағишлайди.

Юртимизни тобора обод этиб, унинг қиёфасини бутунлай ўзгартираётган, Ватанимизнинг илдам ривожланиб боришини таъминлаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган бундай ютуқларнинг боиси, авваламбор, мамлакатимизда тинчлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат ҳукм сураётганидадир.

Энг муҳими, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва фидоийлиги, унинг ҳаётга, ўз меҳнатига муносабати тобора ўзгариб, онгу тафаккури ўсиб бораётгани биз қўлга киритаётган марраларнинг ҳал қилувчи омили ва сабаби, десам, ўйлайманки, барчамизнинг фикримизни ифода этган бўламан.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб, мамлакатимиз миллий манфаатларимизга жавоб берадиган демократик жамият қуриш йўлидан изчил ривожланиб бораётганини, халқимизнинг ўз танлаган йўлига, эртанги кунига, ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончини яна бир бор амалда намоён этди.

Муҳтарам ватандошлар!

Кириб келаётган янги — 2010 йилга мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" деб ном берганимиз бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизнинг узвий ва мантиқий давоми бўлди.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган энг улуғ мақсадимиз бўлмиш келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш жараёни, лўнда қилиб айтганда, тараққий топган ва фаровон яшаётган давлатлар қаторига чиқиш вазифаси, табиийки, йиллар, балки ўн йилларни талаб қилади. Ва бу мақсад йўлида барчамизни белимизни қаттиқ боғлаб, қатъият ва фидоийлик билан, астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Айни пайтда барчамиз яхши англаймизки, бундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш кўп жиҳатдан бугун униб-ўсиб келаётган, бизнинг давомчимиз, суянчимиз ва таянчимиз бўлган ёш авлоднинг зиммаси ва масъулиятига тушади.

Шу боис барчамиз ўзимизнинг муқаддас ота-оналик бурчимизни жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда қўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бугун биз тузаётган ва қабул қилаётган узоқ муддатли дастурларимиз айнан мана шундай ўта муҳим ва устувор мақсад ва муддаоларимизга жавоб берган ҳолдагина биз мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, дунёда яккаю ягона бўлган Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини муносиб даражага юксалтиришга эришамиз.

Айни шу мақсадга қаратилган, узоқ ва давомли келажагимизни кўзлаётган, бугун амалга ошираётган улкан дастурларимизда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш тармоқларимизни замонавий техника ва технология билан қуроллантириш масалалари билан бирга, энг замонавий ва кучли социал инфратузилмани барпо этиш борасида олдин бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, аҳолимизни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати доимо эътибор марказида туриши даркор.

2010 йилнинг давлат бюджети харажатларининг 59 фоиздан ортиғини айнан социал характдаги ташкил этиши, фақатгина соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия соҳасига давлат харажатларининг 50 фоиздан зиёди йўналтирилганининг ўзи бунинг яққол тасдиғидир. Биргина тиббиёт соҳаси ривожи учун 1 триллион 700 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўп демакдир.

Айтиш мумкинки, социал соҳа ривожига бундай эътибор дунёда камдан-кам давлатлар тажрибасида учрайди.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги — 2010 йилнинг қадами қутлуғ ва хосиятли келсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин, Яратганимиз ўз паноҳида сақласин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Улуғ шоир Ҳамид Олимжон бетакрор шеърияти, тарихий драмалари билан XX аср адабиётида беқиёс из қолдирган истеъдод намояндаларидан биридир. Замондош шоирларимиз унинг ижоди хусусида сўз юритганларида бежизга: "шодликни куйлаётган шоир бирдан Муқанна бўлиб фарёд чекади; севгидан бахтлиман деб турган ошиқ шоир Офелияга қўшилиб нола чекади", деб ёзмаганлар. Ҳамид Олимжон оғир ва тотанти замонда яшади ва ўлмас асарлар яратишга муваффақ бўлди.

ЙИЛ ДАРАҲТИ

Юртимиз маданият ва маърифат муассасалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида шоирнинг юз йиллиги кенг нишонланди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда республика ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази томонидан мазкур санага бағишлаб уюштирилган илмий-амалий анжуман Қарши педагогика коллежида бўлиб ўтди. Анжуманни коллеж директори Рустам Ражабов очиб, шоир ижоди меросини ўрганиш билан боғлиқ илмий-педагогик ишлар хусусида сўз юритди. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири Ораста Тошева "Ҳамид Олимжон ижоди ва халқ оғзаки мероси" мавзуида маъруза қилди.

Илмий-амалий анжуманнинг "Ҳамид Олимжон ижодида фолклор", "Шоир асарларининг тил хусусиятлари", "Ҳамид Олимжон ижодини ўрта ва олий ўқув юртларида ўрганиш масалалари", "Шоир асарларининг поэтик хусусиятлари" каби шўъбаларида профессорлар Дамин Тўраев, Ҳотам Умуров, Тўра Нафасов, Шавкат Ҳасанов, Сиддиқжон Мўминов, шоирлар Ўроз Ҳайдар, Нилуфар Умарова ва бошқа ижодкорларнинг маърузалари тингланди.

Олимлар ва ижодкорлар ўттиз беш йиллик қисқа умри мобайнида жўшқин шоир, тарихий драматик асарлар яратган моҳир драматург, халқ оғзаки ижоди вакиллари ҳомийси, моҳир таржимон даражасига кўтарилган шоир ижодий феноменига доир фавқулоддалик моҳияти ҳақида ҳам фикр юритдилар.

Шеърий лаҳза

УЧ ОҲАНГ

Дунёнинг у чети титраса ногоҳ,
Бу четда турганлар юрак ҳовучлар.
Сонияларг ичра ошиб тошу тоз,
Кулоққа етади борки товушлар.

Дентиялар шовуллар — қўйлар бетинин,
Шамол унгурлардан беради овоз.
Ҳатто чумолининг шитир-шитирин
Баъзан шууримиз илғайди бехос.

Қадам товушлари — тириклик куйи,
Киприк қоқишдан ҳам чиққай бир наво.
Жамласак, осмонни кетарди ўйиб
Салом ва аликдан йиғилган садо.

Аммо уч оҳанг бор — ҳаётдан дарак,
Шу уч куйдан дунё яралгай янги.
Чақалоқ йиғиси, шунга муштарак
Она алласи ва Янги йил бонги.

НОСИР

ЯНГИ ЙИЛ — ЯНГИ УМР

Бадиа

Янги йил. Ҳар йили уни интиқлик билан кутамиз. Умримизнинг яна бир бекати ортда қолаётгани, балким, кўнгилга маҳзунлик ҳам солар, аммо ҳаёт ҳали олдинда, эртанги кунимиз, янги йилимиз янада гўзал, сермазмун бўлади, деган умид бизга қанот бағишлайди. Шу боис, бу қадрдон оқшомни худди биринчи марта қаршилаётгандек, шод-хуррамлик билан кутиб оламиз. Чиройли дастурхон безатиб, меҳмон кутамиз, яқин қадрдонларимиз даврасига ошиқамиз. Болаларимизни совға-салом билан хушнуд этамиз. Ва яна, қўлимизни очиб, ният қиламиз: юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, болаларимиз соғ-омон бўлишсин, биз етолмаган орзуларга, биз забт этмаган чўққиларга чиқишсин. Янги йил бизни худди эшитиб, тинглаб тургандай эшик қоқиб кириб келади.

Янги йил оқшомида киши қалбини ажиб ҳис-туйғулар чулғаб олади. Йил давомида ҳаётингизда ён-атрофингизда юз берган воқеалар, хоҳ қувончли бўлсин, хоҳ мундайроқ, бир-бир кўз ўнгингиздан ўта бошлайди. Йил бошида қилган ниятларингиз амалга ошдими, ўзингиздан ўзингизнинг кўнглингиз тўлдими, режаларингизнинг баъзилари нега амалга ошмай қолди, кимнинг кўнглига йўл топдингиз ё топмадингиз, кимга ёрдамингиз тегди, маслаҳатга муҳтож бўлиб бирор кимнинг олдига бордингизу у сизга қандай муомала қилди — бу саволлар сархуш бўлмаган ҳар бир кишининг бошида чарх уради. Уларга худди шу бугун, тонгга қадар жавоб топмасангиз, йўлингизни йўқотадигандай бир ҳолатга тушасиз. Ўзингиз билан ўзингиз баҳслашасиз, гоҳ ғурур, гоҳ изтироб билан баҳс қиласиз. Бировнинг бир оғирини енгил қилиш, дардига шерик бўлиш, аслида, осон иш эмас, лекин жуда мушкуллик жойи ҳам йўқ. Дунёни асли мана шундай фазилатлар ушлаб туради. Аммо, тан олиб айтсак, бизнинг бепарволигимиз, ўзимбўлайчилик кайфиятимиз бу савобли ишлардан бизни кўпинча чалғитади. "Хўш, бошқалар мени қўллаб-қувватлашдими, ёнимга келишдими, ҳеч бўлмаса, қуруқ сўз билан бўлса-да, кўнглимни кўтаришдими?", деган мулоҳазага бориб, менга нима, деймиз-да, ўзимизни ўзимиз оқлаб юборамиз.

Янги йил оқшоми бизни ҳар гал шу саволлар гирдобига олади. Ундан соғ-омон чиқиш учун яна яхши ниятлар қиламиз. Қадаҳ кўтарсак: "Янаги янги йилгача қаторимиздан хато бўлмасин, ҳаммамиз соғ-омон бўлайлик, ниятларимизга етайлик", деймиз. Фақат, қаторимизда хато бўлмаслиги учун бир-биримизга янада меҳрибон, садоқатли бўлиш, меҳр-оқибат кўчасини тарк этмаслик, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшаш лозимлиги тўғрисида камроқ мулоҳаза юритамиз. Бизнинг бу ишимиз мўл-кўл ҳосил олишни ўйлаб кўчат экаётган, аммо унга кунда, кунора сув қуйишни унутган боғбоннинг тажрибасизлигига ўхшаб кетади.

Янги йил оқшомида мен ҳам ҳар йили яхши ниятлар қиламан, аммо ич-ичимда: "Вақт, тўхтасангчи, шошилмасангчи, кунлар, ойлар, бунчалар бир-бирингизни қувасиз, бунчалар тез ўтасиз, қаёққа шошиласиз, ахир, яхши ишларга улгурмаяпман-ку", деб ҳайқираман. Ўйлаб кўрсак, ачиниб кетадиган бир ҳолат — бир кун деганлари савоб ишлар илинжида елиб-югурадиганлар учун ҳам, ҳеч бир иш қилмайдиган, бировга фойдаси тегмайдиганлар учун ҳам йигирма тўрт соат. Ўзгартиришнинг иложи йўқ. Йигирма тўрт соат, ўн икки ой, уч юз олтмиш беш кун!

Бу ҳақда ҳеч ўйлаганмисиз? Махтумқули бобомиз инсоннинг умри оний бир лаҳзалик эканини сезиб, англаб, бу шундай фурсатки, "чапингдан ўнгингга боққанча бўлмас", деганларида шу ўкинчни ўйлаган бўлсалар керак...

Вақт... у нима ўзи? Бу саволга мен жўяли бир жавоб қайтара олмайман, аммо у бизнинг изимизда эмаслигини аниқ биламан. Янги йил оқшоми йилда бир марта келади, келади-ю, бизни адоқсиз саволлар гирдобига кўмиб кетади-қолади. Умримизнинг бир йилини қандай ўтказганимиз билан қизиқмайди ҳам, аммо у бизга, юқорида айтганимдек, савол ташлаб кетади. Бизнинг вақтнинг кўзига тик қарай олишимиз ёки қарай олмаслигимиз ана шу саволлар жавобига боғлиқ. Ҳа, яна бир гап, янги йилда ҳаммамиз бир-биримизга, яқинларимизга совға-салом улашамиз. Аслида, ҳар биримиз Аллоҳ томонидан ота-онамизга берилган янги умр совғасимиз...

Демакки, мен ҳам мўъжазгина битта совғаман. Ҳаёт мени гоҳ бағрига босиб эркалайди, гоҳ оғир синовларга дучор этади. Баъзан янги йил арчаси безакларидай ярқираб кетаман, баъзан эса ўзимга ўзим сиғмай қоламан. Қорбобо, қорқиз мисолида эзгуликни кўраман, лекин улар билан яна уч юз олтмиш беш кундан кейин учрашишимни эслаб, чуқур хаёлга толаман. Атиги бир кун умр кўрадиган капалак ёдимга тушади. Атиги бир кун, аммо у гулдан гулга, ғунчадан ғунчага қўниб, завқ билан яшайди, шу бир кунлик умрини беҳуда ўтказмайди. Демак, вақт деганлари фақат вақтнигина ифодаламас экан...

Мана шу содда ҳақиқат кўнгилни юксакликларга кўтаради. Яшагинг, "Салом янги йил, қадамингг қутлуг келсин, Янги умр", дея ҳайқиргинг келади.

Ҳулкар МАМАТМУРОДОВА

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

Халқаро Амир Темур жамғармаси раёсатининг 2009 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни жамғарма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али олиб борди.

1996 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган мазкур жамғарма зиммасига Соҳибқирон Амир Темур даври тарихини теран ўрганиш ва уни халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш, жаҳонга ёйиш вазифалари юклатилган. Якунига етган 2009 йил мобайнида жамғарма раҳбарияти ва фаоллари ёзувчилар, ижодкор зиёлилар билан ҳамкорликда бу борада муайян ишларни амалга оширдилар. Мамлакатимизнинг турли вилоятларида, давлат идоралари, лицей ва коллежлар, жамоат муассасалари, мактаблар ва олий ўқув юртларида Амир Темур ва темурийлар даври, Соҳибқиронинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган қизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Хусусан, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Қарши шаҳрида бўлиб ўтган, шунингдек, Навоий Давлат педагогика институтидаги анъанага айланиб улгурган "Амир Темур сабоқлари" илмий-амалий анжуманлари эсда қоларли бўлди. Уларда мамлакатимизнинг етук темуршунос олимлари ҳамда ёш тадқиқотчиларнинг Амир Темур даври ва тарихига бағишланган ўнлаб қизиқарли маърузалари тингланди.

Ҳисобот йиғилишида жамғарманинг Самарқанд, Қашқадарё вилоят, Шаҳрисабз туман бўлимлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётгани эътироф этилгани ҳолда, бошқа кўплаб бўлимларнинг фаолияти талаб даражасида эмаслиги айтиб ўтилди. Айрим вилоят бўлимлари фаолиятида жамғармага янги аъзоларни қабул қилиш, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўргазмали бурчакларни ташкил этиш, аъзолик бадалларини ундириш жуда суст бормоқда. "Баркамол авлод йили"да бу борада вилоятлар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришни янада кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир

— "Темур тузуклари" нодир ёдгорлигининг уч тилдаги — ўзбекча, русча, инглизча — ноёб нашри устида иш давом этаётганлиги кишини қувонтиради, — деб таъкидлади тарихчи олима Дилором Юсупова. — Бу асар нафақат Соҳибқиронни, айни пайтда юртимизни ҳам дунёга танитишда улкан аҳамият касб этади. Нодир нашрни тезроқ амалга ошириш зарурлиги долзарб вазифалардандир.

Йиғилишда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, жамғарма Фарғона вилоят бўлимининг бошлиғи Р. Ҳожиматов, Шаҳрисабз туман бўлими бошлиғи Ш.Қаюмов, Сурхондарё вилоят бўлими бошлиғи И. Мадиев ва бошқалар сўзга чиқиб, жамғарма фаолиятини янада кучайтириш, ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш юзасидан эътиборли таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Раёсат йиғилишида жамғарманинг 2010 йилги режаси тасдиқланди ва муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ёзувчилар уюшмасида

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида яқинда мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда халқаро кузатувчи сифатида қатнашиш учун Миср Араб Республикасидан келган адиб Абдул Раҳмон ал-Ҳамисий билан учрашув бўлиб ўтди.

Уюшма раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сирожиддин Саййид, "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори Аъзамжон Исҳоқов, халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, таржимон олима Раъно Хўжаева, таниқли кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов, муҳаррирлар Мирпўлат Мирзо, Аҳмаджон Мелибоев ва бошқалар меҳмонга мамлакатимизда маданий-маърифий соҳа ривожига берилаётган эътибор, ижодкор зиёлилар эришаётган ютуқлар, жумладан Ўзбекистон ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги адабий-маданий алоқалар, бу борадаги янги режалар тўғрисида сўзлаб бердилар.

— Сайловларда кузатувчи сифатида қатнашар эканман, бу муҳим тадбирнинг юксак даражада уюштирилганлиги, мамлакатда фаолият юритаётган барча партияларнинг вакилларига тенг имкониятлар яратилганлигига бевосита гувоҳ бўлдим,— деди меҳмон ўз сўзида.— Мени ҳайратга солган нарса — сайловлар хотиржам, эмин-эркин, шовқин-суронсиз бир вазиятда ўтди. Очиғини айтсам, бизда сайловлар ҳамиша тўс-тўполон, партиялар вакилларининг тазйиқи остида ўтади. Овоз бериш учун сайлов участкаларига яқинлашаётганларни ўз тарафлаарига оғдириш учун нима ишлар қилишмайди, дейсиз. Сизларда эса одамларнинг яхши кийиниб, яхши кайфиятда, худди байрам тадбирида қатнашаётгани келаётгандай кўчаларни тўлдириб боришаётганини кўриб ҳавасим келди. Ҳар бир сайловчи ўзи танлаган номзодга бемалол овоз берди. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистонда истиқлол йилларида юз бераётган улкан ўзгаришларни кўрсатиб турибди.

Учрашувда болалар адабиёти ва киноси соҳасида ижодий ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Илҳом оғушида...

"ЙИЛ АЁЛИ — 2009"

Миллий Санъат марказида "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ва Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Йил аёли" миллий танлови якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Бу танлов ўз билим ва маҳорати билан оиласи ҳамда жамоат ишларида катта ютуқларга эришаётган аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиб келинмоқда. Танловда касби ва ёшидан қатъий назар барча аёллар қатнашишлари мумкин.

Танловнинг республика босқичи шартига кўра иштирокчилар салоҳияти "Менинг ютуқларим" деб номланган мусобақа натижаларига кўра аниқланди.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, бош совринга Жиззах вилоятидаги "Ширин" деб номланган 6-соғломлаштириш маскани тарбиячиси Мамлакат Эрматова муносиб топилиб, ва у "Йил аёли — 2009" унвони соҳиби сифатида Малайзияга саёҳат йўлланмасини қўлга киритди.

Танловнинг бошқа иштирокчилари эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Эстрада хонандалари, "Аладдин" шоу-гуруҳи, "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали ва "Келажак овози" истеъдодли ёшлар танлови лауреатлари ҳамда "Офарин" рақс-театри иштирокчиларининг чиройли рақс, дилрабо куй-қўшиқлари тантанали тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

ЯНГИ АСАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, Ф.М.Янов-Яновскийнинг «Евангелдан Авлиё Маркка қадар» ораториясининг тақдимоти бўлиб ўтди.

XX асрда бунёдга келган мусиқий оқимларни, миллий маданият манбаларини ўрганган ва ўзбек мусиқа санъатида ўзига хос услубга эга бўлган Феликс Марковичнинг номи профессионал мусиқа дунёсида анчадан буён машҳур. Композитор ижодида анъанавийлик ҳамда замонавийлик уйғунлашган.

«Евангелдан авлиё Маркка қадар» асари етти қисмдан иборат бўлиб, солистлар, хор ва оркестр учун мўлжалланган. Асарда инсоннинг ҳаёти давомида чеккан азоблари мусиқа ва матн орқали ифода этилади.

Оратория Ўзбекистон давлат консерваториясининг симфоник оркестри (дирижёр, Ўзбекистон халқ артисти Зоҳид Ҳақназаров), Ўзбекистон давлат хор капелласи (бадиий раҳбар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Дмитрий Жданов), консерватория мусиқий театр-студияси хори (бадиий раҳбарлар Юлдуз Хуснидинова ва Севара Қодирова) ижросида янгради. Халқаро танлов лауреатлари Нажмиддин Мавлонов (Евангелист), Раҳим Мирзакамолов (Иисус Христос), Кирилл Барчанинов (Пилат) каби опера солистлари ижроси тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Композитордан айнан нима учун Марк тарихини талқин этгани сабабини сўраганимизда шундай деди: «Бу Евангелиянинг энг асосий, қисқа, аниқ ва тўлақонли мазмунидир. Шунингдек, бугунги долзарб муаммолар ҳам унда уйғунлашиб кетган"

Ораториянинг кириш қисми дамли чолғулар ва хор ижросида давом этди.

К.ҚУДРАТОВА,
консерватория талабаси

ИЛК КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Бадиий академияси халқаро маданият карвон саройида истеъдодли рассом-педагог Фазлиддин Бердиевнинг халқ амалий санъати ва рангтасвир асарларидан ташкил топган шахсий кўргазмаси очилди.

Фазлиддин Бердиев Фарғона вилоятида таваллуд топган. Болалигидан расм чизишга қизиқиб ўз ижод йўлини топишга интилди ва изланди. Миллий рассомлик ва дизайн институти қошидаги рассомлик коллежининг дастгоҳли рангтасвир бўлимида ўқиди. Устози Обиджон Тошмуҳаммедов раҳбарлигида тасвирий санъат сирларини ўрганди. "С.Жалилов портрети" ёш талабанинг диплом иши сифатида муваффақият қозонди.

2002 — 2005 йилларда Низомий номидаги Педагогика университетининг "Бадиий графика" факултетида ўқиди. Наврўзга бағишланган илк шахсий кўргазмаси университет музейида намойиш этилди. Ўшанда 25 дан зиёд асари намойишга қўйилган эди. 2006 йили Ёш рассомларнинг республика кўргазмасида биринчи ўрин соҳиби бўлди.

Ҳозир рассом Педагогика университетининг тасвирий санъат кафедрасида ўқитувчилик қилиб, ижодий ва илмий фаолиятини давом эттирмоқда.

Мусаввир асосан портрет ва натюрморт жанрларида ижод қилади. "Малик Набиев портрети", "Тошпўлат Турсунов портрети", "Эски шаҳар", "Настарин" туркум асарлари бунга мисолдир. Кўргазмада муаллифнинг натюрморт, портрет, манзара жанрларидаги элликка яқин асари ҳамда халқ амалий санъатининг ёғоч ўймакорлиги турида ишлаган ўн бешга яқин уй-жиҳоз буюмлари намойишга қўйилган.

Хуршида ҲАЙИТБОБОЕВА

Қиш зийнати...

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Аввал хабар қилганимиздек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтган қўғирчоқ театрларининг анъанавий кўрик-фестивали Президентимиз томонидан 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб номланишига ҳамоҳанг тарзда самарали кечди.

Хўш, бу кўрик-фестивал бошқалардан нимаси билан ажралиб туради? Шуни таъкидлаш лозимки, қўғирчоқ театрлари фестивалига биринчи марта драматик театрларнинг таниқли санъаткорлари томошабинлар билан жонли мулоқот қилиш ниятида ташриф буюрдилар. Улар орасида З.Муҳаммаджонов, Т.Юсупова, М.Ихтиёрова, З.Ашурова, Т.Саидов, М.Бекжонова, М.Исломов каби халқимиз ардоғидаги санъаткорларнинг борлиги кичик томошабинлар учун катта туҳфа бўлди. Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджоновнинг чиқишлари, барчада катта таассурот қолдирди. Санъатимиз дарғалари фестивал дастурига киритилган спектакларни томошабин билан бирга кузатиб борганлари қўғирчоқ театрлари ижодкорлари учун унутилмас воқеага айланди. Турли жойларда ўтказилган ижодий учрашувлар санъатсевар Андижон халқига катта маънавий руҳ берди.

Маълум бўлдики, қўғирчоқ театрлари фаолиятида қувонса арзигулик ютуқлар бор экан. Намойиш этилган 11 та спектаклнинг барчасида эътиборли жиҳатлар мавжуд. Самарқанд вилоят қўғирчоқ театрининг «Олтин бошоқ», Республика қўғирчоқ театрининг «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи», Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театрининг «Меҳр билан сеҳрланган жой», Хоразм вилояти қўғирчоқ театрининг «Минг бир кеча тушларига саёҳат», Жиззах вилоят қўғирчоқ театрининг «Яшна, бўстоним, яшна», Андижон вилоят «Лола» қўғирчоқ театрининг «99 тилла танга» каби спектакларини муваффақиятли ишлар сирасига киритиш мумкин.

Томошабинни воқеалар оламига олиб кириб кета олган спектаклардан бири «Олтин бошоқ» (Самарқанд) спектакли бўлди. Асар аввало, драматургик мукаммаллиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, воқеаларнинг таъсирчанлиги, актёрларнинг қўғирчоқ ўйнатиш, характер яратиш борасида интилишлари ижобий натижаларга олиб келган. Асар жанри замонавий эртак деб белгиланган бўлиб, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йилига бағишланган. Асар сюжети содда ва шу билан бирга ўта қизиқарли. Унда акс этган воқеалар болаларнинг етук инсон бўлиб шаклланишларида катта аҳамиятга эга. Драматург М.Қодиров пиеса диалогларида томошабинни ўзига жалб эта оладиган сўзлар, нозик қочиримлар топиб, катталарга ҳам бирдек қизиқарли асар ёзишга эришган. Режиссёр Ш.Усмонова аввало спектаклнинг тарбиявий жиҳатларини бўрттиришга ҳаракат қилган, рассом Н.Султонов ва актёрлар билан ҳамкорликда яхлит спектакл ярата олган. Шодивой образини гавдалантирган А.Абдуллаев, Ола ҳакка ролини ижро этган Ш.Усмоновалар қўғирчоқ юргизиш маҳорати ва сўзларни томошабинга етказа олиш билан спектакл ютуғини таъминлайди. Шунингдек, А.Астанов, Ж.Мардонова, О.Назаров, Ю.Злаянова, Б.Умрзоқов каби актёрлар ҳам ўзлари ижро этган қиёфаларга мос характер топа олганлар.

Ўзбекистоннинг етакчи жамоаси — Республика қўғирчоқ театрининг «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи» спектакли режиссура, ижро, мусиқий ва саҳнавий безакларнинг уйғунлиги билан томошабинлар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Ф.Хўжаев талқинида томошабинлар бутунлай янги Жин образини кашф қилдилар. О.Отабоев ижросидаги Султон образи ҳам оригиналлиги билан томошабинни жалб этади. Асар режиссёри Э.Арипова, рассом М.Рўзметова, бастакор А.Икромов, шунингдек, О.Исоқов (Оловуддин), К.Жабборова (Будур), Ш.Жабборов (Жаъфар) каби актёрларнинг барчаси ҳамкорликда мукаммал саҳна асари яратишга эришганлар. Гарчи, асар сюжети ҳаммамизга маълум ва машҳур бўлса-да, ундаги янги топилмалар кишини қувонтиради. Ўрни келганда Республика қўғирчоқ театри янада янги мавзу ва шакллар устида изланишига умид қилиб қоламиз.

Хоразм вилоят қўғирчоқ театрининг «Минг бир кеча тушларига саёҳат» (ғоя муаллифи Ю.Цахман, режиссёр Д.Исмоилов) томошаси тамоман модерн услубида саҳналаштирилган бўлиб, кўпроқ цирк жонглёрлари ва фокусчилари номерларини эсга солади. Спектаклда «Тушга нималар кирмайди?...» деган содда бир ғоя яширинган. Томошада аниқ бир воқеалар тизимининг йўқлиги, яъни барча саҳна асарларига хос тугун, воқеалар ривожи, зиддият, кулминация, ечим каби унсурларнинг бирортаси ҳам учрамаслигини ана шу билан оқлаш мумкин. Болалар учун қизиқарли бўлган томошавийлик мезони мазкур томошада манаман, деб бўй кўрсатган. Спектакл гўзаллиги, рангинлиги билан бошқа асарлардан ажралиб туради. Лекин, келажакда бундай томошаларга берилиб кетишдан эҳтиёт бўлиш кераклигини таъкидлашни истар эдик.

Эксперимент тарзида ишланган спектакллардан яна бири Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театрининг "Меҳр билан сеҳрланган жой" томошасидир. Бу саҳна асарида ҳар бир кимса учун ўз ватанидан азиз ва қимматли жой йўқ, деган кучли ғоя яширинган. Муаллиф К.Дилмонов ёш болалар учун катта аҳамиятга эга бўлган ватанпарварлик ғоясини илгари сурар экан, бош қаҳрамон Муккижон (О.Хўжанова) мисолида бутун дунёни айланиб, меҳр-муҳаббатда ҳам, гўзалликда ҳам ўз юртидан ортиғини тополмаган рамзий тимсолни бош қаҳрамон қилиб олган. Муккижон сафари давомида Михтиш амаки (А.Рўзибоев), Чарм чаққон (А.Худоёров), Хиромбек (Х.Ҳакимов), Калишжон (А.Худоёров), Чориғбува (К.Дилмонов), Махси момо (Д.Аъзамова) каби персонажлар билан учрашиб, уларга қўлидан келганича яхшилик қилади. Спектаклда яна бир тимсол — оқ этикча — Тўрчахон (Д.Аъзамова ижросида) доимо зорланиб, меҳрга ташналик ҳисси билан юради. Жуда хафа бўлганида тўрдан тикилган қўнжи шалвираб тушади. Бундай топилмалар томошага завқ бағишлайди. Воқеаларни бир-бирига боғловчи фон сифатида турли рангларга эга етти жуфт оёқларнинг рақслари спектаклга алоҳида жозиба бахш этиб, томошабинни ўйлашга, рамзийлик остида қандай фикр ётганини мушоҳада қилишга чорлайди.

Жиззах вилоят қўғирчоқ театри "Яшна бўстоним, яшна" (режиссёр Р.Алиев, рассом К.Соатов, бастакор У.Ҳақбердиев) мусиқали спектаклида яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси муқаррарлиги, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан оламни гулзорга айлантиришдек содда, лекин умрбоқий ғоя акс этган.

Қўғирчоқларнинг ташқи кўриниши, жонлилиги кишини қувонтиради. Қўғирчоқ ўйнатиш техникасида профессионализм сезилиб туради. Ботир (Ш.Ишонқулов), Гўзал (З.Мамараҳимова), Қарға (Ш.Ишонқулов), Қузғун (З.Махмудова), Кўрсичқон (Х.Исаҳонов) каби персонажларнинг ҳар бири ўз характерига эга.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтишни жоиз деб билдик. Аввало шуни айтиш керакки, шовқинли эффектлар жуда баланд, уларни бироз пасайтириш зарур. Спектаклнинг прологи узоқ давом этади, натижада анча вақтгача воқеалар ривожланмай, томошабинни зериктиради. Кетма-кет қўшиқлар ижро этилиши асарни концерт дастурига айтлантириб юборган. Қайтариқ саҳналар мавжуд. Спектакл охиридаги Ботирнинг қарғани милтиқ билан отиши ҳамда гуллар рақсини бошқачароқ ҳал қилиш ўринли бўларди.

Турли баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган яна бир саҳна асари Сурхондарё вилоят қўғирчоқ театрининг "Қўғирчоғим ўйнайди — асли ростин сўзлайди" фолклор томошаси бўлди. Ҳамза асарлари оҳанглари асосида Т.Қобилов инсценировка ёзиб, уни режиссёр Т.Йўлдошев саҳналаштирган.

Асар садоқат ва хиёнат мавзусида бўлиб, саҳнада бир-бирига хиёнат қилувчи эр-хотиннинг кирдикорлари фош этилади. Унда бир қатор режиссёрлик топилмалари, айниқса, қўғирчоқ устаси З.Каримова ясаган қўғирчоқлар эътиборга лойиқ. Лекин қўғирчоқ театри бугунги кунга келиб асосан болалар учун хизмат қилаётгани, унда кўрсатиладиган спектаклларнинг асосий томошабини болалар бўлганлиги учун томошалар, аввало, энг кичик томошабинга мўлжаллаб саҳналаштирилиши, уларга айтмоқчи бўлган гапларимиз қуюшқондан чиқмаслиги зарур.

Лекин асосий масала бу ҳам эмас. Бу ўринда, аввало, профессионализм даражасига эътибор қаратайлик. Ф.Жумаев талқинидаги Савдогар ролини ҳисобга олмаганда, спектаклдаги бошқа персонажлар (масалан, Ю.Ибрагимова-Хотин, Ф.Жабборов-Бой, М.Жумаева-Чўри) ижросида бўрттириш кучли, меъёр ҳисси унутилган. Саҳнада доира чалинаётган бир пайтда фонограммадан бир неча чолғу асбоблари жўрлигидаги мусиқа янграйди. Спектакл прологида доира жонли чалинса, речетатив ўрнига қўшиқ ижро этилса, жозибалироқ бўлар эди.

Фарғона вилоят қўғирчоқ театри Алишер Навоий достони оҳанглари асосида драматург И.Турсунов қаламига мансуб "Лайли ва Мажнун" (режиссёр Ҳ.Ҳакимов) спектаклини намойиш этди.

Шуниси эътиборлики, спектаклда ёш томошабинга улуғ Навоийнинг машҳур "Лайли ва Мажнун" достони ҳақида, олий, соф инсоний туйғу — дунёда тенгсиз муҳаббат ҳақида соддагина тушунча берилади.

Айниқса, онани, аёлни улуғлаш ғояси фарзандларимиз учун ибратлидир. Рассом Ш.Абдумаликовнинг маҳоратли ва мазмундор декорациялари эътиборни тортади. Томошабин ўзини ҳақиқий эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис қилади. Ютуқлар билан бирга, бир қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Аввало, мумтоз адабиёт намунасига замонавий эстрада мусиқаси ва қўшиқлари мос тушмаган. Спектаклнинг катта саҳнага олиб чиқилиши қўғирчоқларнинг макон кенглигига сингиб кетишига сабаб бўлган. Қўғирчоқ ўйнатиш техникаси ҳам бироз оқсаган. Образларда характер индивидуаллиги йўқ. Шуларни инсобга олган ҳолда, спектаклни мукаммаллаштириш, ижрода профессионализмни ошириш зарур. Айниқса, Навфалнинг от ўйнатиб келиши, найзаларнинг ёғилиши саҳналари жуда қўполлик билан кечади. Спектакл охирида янграйдиган Навоий ғазалини томошабинга муносиб етказа билиш зарур.

Андижон вилоят қўғирчоқ театри икки спектаклни намойиш этди.

"Алла-жоннинг роҳати" (драматург З.Нажмий, режиссёр А.Чўққиев) ўзбек халқининг энг азиз қадриятларидан бўлмиш она алласининг нақадар улуғ ва қудратли кучга эга эканини тараннум этиши билан қимматлидир. Унда ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари ва О.Матжон достони оҳангларидан фойдаланилган. Спектаклда Ватан соғинчи ғояси илгари сурилган бўлиб, пиесада у шайтон образи билан бойитилган. Шу асосда драматург конфликт яратишга ҳаракат қилади. Лекин, шуни айтиш керакки, бу топилмадан зўрама-зўраки сюжет линияси юзага келган. Ана шу зўрама-зўракилик асарнинг муваффақиятсизлигига сабаб бўлган.

Афанди латифалари асосида саҳналаштирилган "99 тилла танга" (муаллиф М.Курязов, режиссёр Б.Жабборов, саҳналаштирувчи рассом А.Жабборова) номли иккинчи спектакл драматургик жиҳатдан ҳам, режиссура ва актёрлик ижроси томонидан ҳам анча пишиқ ишланган.

Хўжа Насриддин (Р.Чўққиев), Бой (Б.Курбонов), Қози (Д.Отажонов), Кулол (Қ.Парпиев) образларининг ҳар бири ўз индивидуал характерига эга экани, жонлилиги, актёрлик топилмаларига бойлиги билан томошабинда кулги уйғотади.

Бухоро вилоят қўғирчоқ театрининг ўзбек халқ эртаклари асосида саҳналаштирилган "Олтин тарвуз" (эртак асосида Л.Сувондиқова, Г.Қўлдошева инсценировкаси, режиссёр Л.Сувондиқова, рассом З.Аминжонова) спектакли ҳам кичик томошабинга манзур бўлган саҳна асарлари қаторидан ўрин олди. Асарда ўзбек халқининг сахийлиги, бағрикенглиги, соддалиги чиройли топилмалар ёрдамида очиб берилган.

...Саҳнада катта китоб. Унинг муқовалари очилиб, ичидан эртакчи бобо (А.Жумаев) чиқиб келади ва болаларга эртак айтишни бошлайди... Шунинг ўзиёқ спектаклга ўзгача руҳ олиб киради. Тарвузларнинг ўсиши саҳнаси ечими яхши топилган. Унда "Соялар театри" услубидан унумли фойдаланилган. Асардаги сўз ўйинлари, ҳозирги кунимиз қўшиқчилигига ишора қилувчи нозик қочиримлар томошабинга жуда ёқади. Актёрлар ижроси ҳам эътиборга лойиқ. Зеро, Н.Раҳматова талқинидаги Бой хотин образининг энг яхши актёрлик иши сифатида баҳолангани бежиз эмас. Спектаклнинг камчиликларига келсак, аввало томошабинга сўзларнинг тўлиқ етиб бормаётганини айтиш керак. Баъзи саҳналарнинг жозибасини ошириш зарур. Масалан, кампир чолни ўлиб қолди, деб ўйлаган саҳнани томошага айлантириш керак.

Қорақалпоғистон давлат қўғирчоқ театрининг "Саҳродаги дўстлик" (муаллифлар П.Айтмуратов, режиссёр М.Бегимов, рассом М.Байгелдиев, бастакор Қ.Бердахов) асари мавзусининг долзарблиги билан ажралиб туради. Саҳна асарида экологик муаммо масалаларига саҳро жониворлари — Бўталоқ (Н.Генжебекова), Тошбақа (Ш.Алламберганов), Бўри (П.Кулимов), Илон (Қ.Халилаев) Сичқонлар (Қ.Халилаев, А.Бердибаева) орқали муносабат билдирилади. Шунингдек, саҳнада кечадиган воқеалар жаззи томошабинга дўстлик нақадар буюк кучга эга экани ҳақида сабоқ бериши билан қимматлидир.

Албатта, бир мақола доирасида намойиш этилган барча спектаклларни чуқур таҳлил этиш имкони йўқ.

Энг муҳими, бу анжуман айни кунларда қўғирчоқ театрлари ижодий қиёфаларини рўй-рост кўрсатиб бериш билан бирга, келгуси истиқбол режалари ҳақида ўйлашга чорлаши, ютуқлардан мағрурланмай, камчиликлардан тушкунликка тушмай, олға интилишга ундаши, қўғирчоқ театри санъатини юксак чўққиларда кўриш умидини кучайтиргани билан аҳамиятлидир.

Муқаддас АҲМАДЖОНОВА,
театршунос

ЁШЛАР

"Баркамол авлод" йилига бағишланади.

Бу ёшларнинг эртаси порлоқ,
Камолига дунё мунтазир.
Улар зукко, бахтиёр, қувноқ,
Йўлларига гул сочсанг арзир.

Халқнинг асрий орзу армони
Шу ёшларга насиб этмиш бот.
Яшартирар кўҳна дунёни
Қадамлари собит бу авлод.

Қувон халқим, тик тут қаддингни,
Кам бўлмайсан ёруғ жаҳонда.
Аритай деб дилдан дардингни
Ёш авлод ўсмоқда Ватанда.

Руҳи озод, фикрлари ҳур,
Иллатлардан қалби покланган.
Ўз кучига ишонган мағрур,
Буюк келажакка чоғланган.

Юзларида илоҳий поклик,
Юрагида оташ муҳаббат.
Бу авлодга ётдир гумроҳлик
Эл-юртим деб яшайди фақат.

Ҳуш келибсиз, баркамол авлод,
Ўзлигини англаган аслим.
Қадамингга минг бор ҳасанот,
Мустақиллик яратган наслим!

Абдусаттор БОТИРОВ

Нодир ЖОНУЗОҚ

Ҳар сўзинг кўкламнинг сеҳридан дарак



Бора қол, олдинда бахт кутар ял-ял,
Бора қол, яхшимас ортиқ турмоғинг.
Чувалиб кеттандай ҳисларим чигал,
Бузилиб кетади ҳозир турмагинг...

* * *

Ташқарида ёғар эди қор,
Ташқарида тўкиларди қиш.
Ичкарида куларди баҳор,
Ўқир экан ишққа олқиш.

Таратарди севги исини
Гулғунчалар қадалган сочинг.
Нигоҳингда эриб, исиниб
Ором олар эди қалбим — чин.

Аллаларди бармоқларинг ҳам
Кезар экан юзим сатҳини.
Ўқир эди гўёки ўктам
Пешонамда тақдир хатини.

Қишки қуёш каби келишинг тансиқ,
Бинафша нафаслим, ялпиз нафаслим.
Куласан баҳорни қилгандай тасдиқ,
Мени соғинтирган маъсума фаслим.

Ҳолбуки, ташқари гувиллар ёмон,
Дераза ортида тинмай ёғар қор.
Хонамга сен кириб келганинг ҳамон,
Қаҳратон қаҳри ҳам йитар мутлақо.

Ҳар сўзинг — кўкламнинг сеҳридан дарак,
Ҳар имонг — қалдирғоч каби ёқимли.
Гўёки сен бонс бу қари фалак —
Тескари буради ҳаво оқимин.

Жимман мен. Томоша қиламан сассиз:
Сўзлайсан. Куласан. Барқ урасан, барқ.
Дунёда бормикан мен каби хасис,
Хуснингдан бир ўзим олсам дейман завқ.

Минг афсус, ялпиздай ташрифинг қисқа,
Димиққан хонам ҳам сенга келар тор.
Дунёлар кўз тикар сен каби қизга,
Кетасан қолдириб анвойи ифор.

Искайман... Оғрийди нечундир кўксим,
Сўнг яна шўнғийман ғаввосдай ишга.
Юрагим йўл олар кўчага ўксиб,
Дардини айттали қаҳратон қишга...

* * *

Деразам олдидан ўтасан ҳар кун,
Бизни айиради шу шаффоф шиша.
Кун сайин кўзимда қуюқлашар мунг,
Кун сайин юрагим оғриқдан шишар.

Сезмайсан... Бир бора қўймайсан қараб,
Йўлингга кетасан ўйчан ва дардчил.
Сенга кучоқ очар бирдан тўрт тараф,
Ҳеч қайси мен каби суймайди гарчи.

Бунчалар бахтиёр эгнингдаги қор,
Бунчалар омадли пойингда лойлар.
Қўлим ишга бормас кун бўйи бекор,
Кун бўйи кутаман йўлингни пойлаб.

Ҳуркак чумчуқчалик йўқдир журъатим,
Бир бора бўлмайман сенга рўбарў.
Юз бора битилган телбаваш хатим —
Юз бора йиртилар... Ёқилар бари.

Дарёдай тўлғонар толиққан кўча,
Баликдай сузаркан автолар ўктам —
Шиддати, шовқини кўксимга кўчар,
Сен пайдо бўласан ерданми-кўкдан.

Жимгина йўлингда этасан давом,
Ўйчансан, ғамгинсан, сокин ҳамиша.
Дераза ойнаси — ўртада довон,
Тобора шафқатсиз шу шаффоф шиша.

Тўхта, ҳеей..
Андиша пардасин сидир,
Бизга қайишмайди бераҳм дунё:
Дераза ойнасин тош билан синдир,
Юрагим ёрилиб синдиради ё...

* * *

Бўшалиб кеттудай турар турмагинг,
Сочларинг ёпгудай юзингни беҳос.
Ноқулай туюлар бунда турмоғинг,
Баҳона излайсан жўнамоққа мос.

Мен эса кетказгим келмайди сени,
Йилда бир келгувчи ҳуркак қушимсан.
Сўзлайман ўзимча, билмайман, нени,
Ҳаяжон тилимни бойлар...
Тушун сан...

Сен учун севилмоқ — шунчаки одат,
Мен учун севмоқлик — охирги имкон.
Ўзини англамас севмаса одам,
Севгини тушунмас севилган инсон!

Сен учун бу гаплар чигал фалсафа,
Сен учун қизиқмас ичкин ўйларим.
Синайсан дилимни менинг ҳар сафар:
Ёқдими оқ гулли, пушти кўйлагинг?

"О, қандоқ чиройли,
Ярашибди хўб..." —
Ғудраниб излайман тузукроқ калом.
Гарчи сенга айтар дилсўзларим кўп,
Айтилмай ҳаммаси бўлади тамом.

Эҳтимол, сезарсан,
Балки бехабар —
Дилимни ўйнарсан япроқдай букиб.
Ўйларсан: муҳаббат — ўйин бехатар,
Оғир савдолардан йироқсан бу кун.

Майлига, ғамлардан олис бўл абад,
Севмасанг-да майли мени, эй оҳу.
Ҳижрон чўлларида кезма дарбадар,
Сенга илашмасин лайлилар оҳи.

Билмам, нима эди ёзуғим,
Билганим — сен ёнимда эдинг..
Муҳаббатинг — тансиқ озиғим,
Юрагимда, жонимда эдинг.

Чирмашарди ўтли энтикиш,
Жилмаярдик такрор ва такрор.
Ташқарида тўкиларди қиш,
Ташқарида ёғар эди қор.

Совуқ шамол эсди ногаҳон,
Қағиллади қарғалар туйқус.
Деразалар синди... Шу замон
Ичкарига тушди парча муз.

Жунжиккандай бўлдик бир лаҳза,
Кўксимизга тегди изғирин.
Ўчди дилда ўт олган лахча,
Совуққина ташлаб кўз қирин —

Йироқлашдик бир-биримиздан,
Музлаб қолди ўртада сўзлар.
Сумалаклар — кўз қиримизда,
Яхмалақдай ялтирар кўзлар...

Уч кун ўтди, уч ҳафта, уч ой,
Илимади қалбимиз бироқ.
Тополмадик иссиқ бурчак, жой,
Элар эди бизни қалтироқ.

Уй ичини эгаллади қиш,
Ёғаверди қовоқлардан қор.
Муҳаббатга ёғдириб олқиш,
Ташқарида куларди баҳор...

* * *

Эшик секин очилди. Сездим.
Сиз келдингиз. Боқмадим қиё.
Ўтирдингиз. Кутдингиз эзгин.
Гапирмадим. Тилсизман гўё.

Тикилдингиз титроқ ичра жим,
Кўзингиздан томди томчи ёш.
Сукунатни бетўхтов ичдим,
Сукунатга бера олдим дош.

Қарадингиз бир нажот кутиб,
Қарадингиз дилгир, шикаста.
Ўтирардим тилимни ютиб,
Ўтирардим бемажол, хаста.

Ўрнингиздан кўзғолдингиз ва
Қўйдингиз мен томон бир одим.
На ўтрилдим, на қўл чўздим, на
Бир табассум ҳадя этолдим.

Бахтли эди соямиз бироқ,
Бир-бирига қўшилиб полда.
Билмас эди нелигин фироқ,
Қувнар эди оний висолдан.

Хўрсиндингиз оғир ва эзгин,
Ич-ичимда тортдим мен ҳам "уф".
Эшик секин ёпилди. Сездим.
Тишларини ғижирлатди қулф.

Сиз кетдингиз қай бир томона,
Мени ютиб юборди хона...

Ҳаёт йўллари...



ШОИР СЎЗИНИНГ ПАРВОЗИ

Турсун Алининг "Гуллаётган юрак" тўпламини бу йилги қиш фаслининг илк кунларида ўқидим. Қиш қўплаб ҳамкасбларим қатори мен учун ҳам, аввало, мутолаалар айёми, ўзга фасллардаги боғ сайри, тоғ сайри ўрнига улардан-да тотлироқ китоблар уммони сайри... Бу мароқли айёмнинг айни "Гуллаётган юрак"дан бошланганлиги кўнгилга айрича шавқ бахш этди ва мутолаа чоғи дилда кечган айрим ўй-мушоҳадаларимни изҳор этиш учун қўлимга қалам олишга ундади. Шоирнинг аввалги икки китоби — "Сокин ҳайқириқ" ва "Ой япроғи" каби буниси ҳам дидли, чин нафосат шайдолари қалбидан ўрин олажагига аминман.

Мажмуа мутолааси чоғи туғилган илк таассурот шуки, шоир бу китобида ҳам шеърият хусусидаги ўз қараш, ақидаларига содиқ қолган: мавжуд адабий қонун-қоидаларга бўйсунолмаслигини дангал айтган. Унинг учун шеърий ижод бобида "Темир йўлда юргандай юрмоқ йўқ". Бундай "шаккоклик" учун унда етарли асослар бор. Зотан, туйғуларни тулпор каби жиловлаб бўладими?

Ахир,
шоир сўзи қуш каби эркин,
бемалол парвоз этмасми юракдан юракка.
Шеърият...
Эркин яралмоғинг,
эркин яшамоғинг шарт
сен менинг қонли юрагимда...

Аслида, бу гапларда ҳеч қанақа шаккоклик йўқ. Миллий шеъриятимиз пири ҳазрат Навойнинг: "Ани назм этки тарҳинг тоза бўлғай. Улусқа, майли, беандоза бўлғай. Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ Мукаррар айламак сендин не лойиқ", деган доно ўгитига садоқатнинг бир кўриниши, исботи, холос. Фикрлашда ҳам, уни ифодалаш йўлларида ҳам "тарҳнинг тоза"лиги, "беандоза"лиги ижодий эркинликнинг шартидир. Зотан, чин эркинлик бўлмаган жойда чин ижоднинг ўзи йўқ.

Албатта, эркинлик бирдан-бир мақсад эмас. Эркинлик бу — қалбдаги асов шеърий туйғу, бебош поэтик фикрларни табиий, таъсирчан, энг муҳими, бетакрор ифодалаш, демакдир. Аслида, чинакам ижод намунаси дейишга лойиқ шеърий асарда бебош туйғу, асов фикр ўзининг шакл-шамойили билан бирга туғилади. Турсун Алининг ижодда фақат қалби буюрганини, етилган шаклшамойилларни қоғозга тушириш йўлидан бораётгани мени қувонтиради. Мен унинг бошқача фикрлаш, ёзишини асло тасаввур этолмайман. Қува анорзорларида туғилиб вояга етган, Тошкентдай шаҳри азимда таълим олиб, Дўрмон ҳавосини симириб, оби раҳматини татиб аҳли фузало, ижодкорлар даврасида яшаб, ишлаб қалам тебратиб келаётган, Шарқу Ғарб адабий тафаккури жараёнларидан яхши хабардор етук зиёли даражасига кўтарилиш баробарида, ўша асли қувалик боғбон, деҳқон боласига хос содда — самимийлик, очиқроқ айтганда, бир оз дўлворлигини сақлаб қолган шоирнинг ёзганлари қуйиб қўйгандек ўзига ўхшайди.

Дарҳақиқат, "Гуллаётган юрак"даги битикларда, бир қарашда, деҳқончабоғбонча содда-самимийлик, иккинчи томондан, ўша содда-самимий сатрлар замирида замонавий Ғарбу Шарқ шеърий тафаккури, тагдор, рамзий жилоҳанглари баралла барқ уриб туради. Бу хил фазилатлар танқидчиликда эътироф этилаётир, жумладан, Ҳамидулла Болтабоев "Гуллаётган юрак"ка ёзган сўнгсўзида ҳам буни таъкидлаб ўтган.

Энди, асосий гапга ўтсам. "Гуллаётган юрак"даги, айниқса, икки шеър — "Сўз денгизи" билан "Рассбм устахонаси", мана, бир неча кундирки менга тинчлик бермай келади.

"Сўз денгизи" — тўпламдаги бағишлов шеърлардан бири. Янги миллий назмимизда ижодкорларга бағишланган сонсаноқсиз шеърлар бор. Тўғридан-тўғри таърифу тавсифлар, хотирот, қасида, мадҳия, марсия, ўкинч-армон, шу билан баробар фахр-ифтихор туйғулари билан йўғрилган нодир бағишловлар талайгина. Айни пайтда, бутунлай қутилмаган йўллардан бориб, чунончи, она-табиатнинг беназир манзаралари фонида, рангин рамзлар воситасида ижодкор сиймосини, қисматини кўз олдимизда гавдалантирган, балқим даҳосини тараннум этган шеърлар ҳам бор. Рауф Парфининг Ойбек хотирасига бағишланган шеъри шулар сирасидан. Бу беназир мўъжаз шеърий обида сатрларида Ойбек номи учрамайди, улкан аллома шаънига ҳамду саналар айтилмайди, адиб ҳаётига оид хотиралар ҳам учрамайди. Ойбек ижодий бисотига хос нафис ташбеҳлар, тоғлар аро бир ойдин булоқ, атрофида шивирлаб турган ўтлоқ, сувда мангуликдек сузаётган ой, булоқда шаъ ва собит чирой; бирдан босиб келган қуюн тўзони, ниҳоят, тўзон маҳв этолмаган — фалакларда сузиб юрган ой тимсоли орқали абадиятга дахлдор улуғ сиймо, у қолдирган бебаҳо ўлмас мерос ҳусусида кўнгилларга нафис эзгу туйғулар улашилади.

Турсун Алининг Шукур Холмирза ҳақидаги "Сўз денгизи" шеъри беихтиёр Рауфнинг ўша машҳур Ойбек хотирасига бағишловини эслатади.

Бироқ ижодкор сиймоси ва қисматини табиат қўйнида рамзлар воситасида ифодалашда Рауфдаги фарахбахш романтик руҳдан фарқли ўлароқ, Турсун Али шеъридаги манзара бошда ўта ҳаётий, соф реалистик: вақт, маконманзил аниқ; шеър қаҳрамони кўринишидаги, кийиниши, айрим хатти-ҳаракатлари, қилиқ-одатлари айни ҳаётдагидек. Шеър шундай бошланади:

Қиш.
Дўрмон.
Туманзор қўйнида кезаман.
О, қаршимда,
Шукур Холмирзанинг дала ҳовлиси,
гўёки,
поёнсиз денгизда юзаётган қайиққа ўхшар.
Толғин эшкак эшаётир Шукур Ҳолмирза.
Чекаётган сигарети
ёнади юрак каби.
Бошида чайласи — шляпа, мисоли наср тожи.

Дўрмон, қиш фасли, туман тушган кун, қаршидаги Шукур Холмирза дала ҳовлиси. Ҳар доимгидек қаҳрамонимиз оғзида сигарета, бошида қишин-ёзин тушмайдиган шляпа... Асар фақат шу хил ҳаётий детал, лавҳалардан иборат бўлганида эди, у оддий мақола, шунчаки хотирадан нарига ўтмасди. "Қиш", "Дўрмон", "Шукур Холмирзанинг дала ҳовлиси" ҳақидаги маълумот билан баробар "Туманзор қўйнида кезаман", деган сатр келади. Айни шу сатрдан, назаримда, шеър бошланади. Одатда, "туман қўйнида", дейиларди. Шоир "туманзор қўйнида" дебди. "Олмазор", "ўрикзор", "гулзор" деймиз. "Туманзор" деб аташ ҳам мумкин экан. Бу хил атама шеърга, қолаверса, лирик қаҳрамон кайфиятига ўзгача руҳ бахш этади.

Ҳар куни кўриб юрган қаршидаги таниш да ҳовли лирик қаҳрамон учун сирли-сеҳрли масканга айланади, унга кўзи тушганида "О", деб юборади. У энди оддий ҳовли эмас, "гўёки поёнсиз денгизда юзаётган қайиққа" ўхшайди. Сатрдаги "юзаётган" сўзини адабий қилиб "сузаётган", деб бериш мумкин эди. Аммо айни ўша тарзда фарғонача-қувача талаффузда келтириш ўринли-табиий чиққан. Айни шундай талаффуз Турсун Алига ярашади. Шукур Холмирза толғин эшкак эшаётган чоғи чекаётган сигаретанинг юрак каби ёниши, бошдан тушмайдиган шляпанинг ёзувчи қурган чайлага, сўнг бамисоли наср тожига менгзалиши шеърхонни асардаги асл мақсад сари етаклайди.

Шеърнинг кейинги бандида дала ҳовли, поёнсиз денгизда ҳорғин эшкак эшаётган адиб ҳақидаги аввалги сатрлар қисман ўзгаришлар билан нақоратдек такрорланади, бу ҳол шеърнинг асосий пафосини яна бир поғона оширади. Сўнг бояги "поёнсиз денгиз" шоир наздида поёнсиз; "сўз денгизи"га айланади, аниқлик, оддийликдан бошланган сокин поэтик лавҳалар рамзлар билан жилоланган жўшқин романтик манзараларга ўрин бўшатиб беради: туйғулар туғёни мавж уради; сўз тўлқинларининг камалакдек рангин ёллари оловдай ёнади, шуъласи қаҳрамонимиз қўлларин, юзларин, вужудин ёритади, сўз тўлқинлари паризод янглиғ уни эркалайди. Оташин шеърий нутқ бунданда юксакроқ пардага кўтарилиб "У қоядек тик юзадир ўзи бунёд этган Сўз денгизида", дея мана бундай якуний хулосага келади:

Саросар туманлар оғушида кезаман.
Тоғдек кўринади,
Шукур Холмирзанинг яратган қасри.
Ўтган адибнинг зийрак кўзлари,
Абадият қаъридан жаранглар сўзлари —
Орзудаги ҳикоялари улкан лашкари.

Пировардида бағишлов шеър худди залворли мумтоз қўшиқ сингари, бояги нақорат сатрлари орқали секингина интиҳосига етади.

Шеърнинг авж пардадан тушиб бу хилда сокин тугаши ҳам аслида нозик бир санъат.

Бадиий асар учун танланган эпиграф — бош сўзда гап кўп. "Рассом устахонаси" шеърига машҳур америка шоири Уолт Уитменнинг "Қандай ранглар бу, қандай оҳанглар!" сатри бош сўз тарзида ўринли келтирилган. Шеърда жонли манзара чизиш, манзарадаги сассиз шивирлар, гулдуросларни, ранглар исини нозик уқиш, ўқувчига уқтириш бобида шоир яхшигина тажрибага эга. "Рассом устахонаси"да бу тажриба унга қўл келган. "Хонада қалашган суврат — тасвирлар, гўё неларнидир бетин шивирлар. О, қандай ранглар бу, қандай оҳанглар..." Мана энди ана шу сувратлардаги ранглар тилга киради, оҳанглар садо беради. Уларнинг бирида "юз-кўзига қора чапланган қуёш", бошқасида "кўксига доғ тушган ой, ишвакор юлдузлар", яна бирида "маммалари очиқ — гира яланғоч аёл", бошқа бирида "жулдурвоқи кийинган бола", кейинги сувратлардаги манзаралар янада кескин-драматик: "девдай одам пойида эзғиланган лола", "тилин ямлар қонсираган шер"; деворда оддий най эмас, "синган най осиғлиқ"...

Китобингизни ўқидим

Охирги икки манзара кўкка талпинаётган "ярадор қуш" ва "кўзига мунг тўлган тиланчи"нинг тиз чўка оломонга боқиб туриши лирик қаҳрамон дилини ёндиради. У энди тоқат қилолмай "О, қандай ранглар бу, қандай оҳанглар", дея ҳайқиради.

Лирик қаҳрамоннинг ўша топдаги ҳолати, кайфияти, ранглар, оҳанглар оғушида туғилган ўй-мушоҳадалари ниҳоятда табиий-ҳаётий:

Бунда дарё каби шарқирайди ҳаёт.
Энди,
қаён қочиб кетолгайман мен
кўзим диёрига чўккан ранглардан?

Шеърни шу тарзда тугатиб қўя қолиш ҳам мумкин эди. Лекин бундай хотима шоирни қаноатлантирмайди. У "Ногаҳон қизғандим кўзим дунёдан...", деган биргина сатрни илова қилади ва унга кўп нуқта қўяди.

Шу сатр кескин драматик кайфиятлар оғушида қолган дилларга қисман таскин беради. Ахир, одам боласи умри нуқул драмалар, мусибатлар оғушида кечмайди-ку! Асл санъат сеҳри, шукуҳи шунда эмасми?!

Турсун Алини шу икки сирли-шукуҳли шеърлари билан чин дилдан қутлайман.

Умарали НОРМАТОВ

"MONA-LIZA" БИЛАН ТАНИШУВ

Ҳажвий ҳикоя

Адҳам ДАМИН

Анчадан бери бирор нарса ёзолмай безовтаман. Ёзувчи учун бундан ёмони йўқ. Аммо-лекин осмони фалакда учиб юрадиган илҳом парисини тутиб олишнинг ўзи бўладими? Шундай бўлгач, уни тутиш чорасини кўриш керак... Кейин-чи? Топилган мавзуни қойиллатиб қоралаш керак... Э, бу ёғини ўйлайверсанг, бошинг қотади. Олдин "илҳом париси"ни тутайлик-чи, қолгани чикора.

Оқшом газетда навбатчи эдим, ярим тунда уйга қайтдим, яна таксида, ўз пулимга... Бош муҳаррир хизмат машинасини аяди. Булар-ку майли-я, аммо кечагина бирга улфатчилик қилиб юрган, мендан ўн ёш кичик бош муҳаррирнинг "Ака, мен ароқни ташладим, бироқ чекишни ташлаш қийин экан" дегани-ю, тағин менга ғалати қараб, оғзидаги папиросни буруқситганча: "Сиз ҳам ташланг, танангиз қушдай енгил бўп қоларкан", деган ўгити ҳеч хаёлимдан нари кетмайди...

Бугун шанба. Шунга кечроқ турдим. Уйда ёлғизман: тушгача қўлим бир ишга бормай, эски қўлёзмаларни титганча гарангсиб вақт ўтказаман. Хаёлим бошлиқнинг ўгитида — ташлаш керак! Ташлайман! Чунки бир кун келиб, буям бир армон бўп қолмасин, нотавон кўнгилда.

Лекин шу пайт кимдандир эшитганим бошга тепди: йигит киши яхшими, ёмонми бир одатдан қутулишга астойдил аҳд қилганда "Иродани чархлаш ва гапни михлаш учун юз грамм "отиб" қасамёд қилиши керак!" Керак бўлса, қиламиз. Муҳаррирнинг дегани — деган экан, биз ҳам анойи эмас, айтганимиз — айтган. Бироқ, ана ўша юз грамм зорманданинг ўзи қани?

Эски шкафни очиб бўз матога ўралганча қийшайиб турган уч-тўртта гиламчани у ёқ-бу ёққа сургандим, бировнинг ичидан нимадир сирғалиб полга "тақ" этиб тушди. Юрагим жиз этди. Ният холис бўлса, ошхўрга — ош, нонхўрга — нон, топилади деганларидек, "тақ" этиб тушган нарса ароқ бўлмаса-да, битта қорни катта "0,7"лик "Mona Liza" виноси экан. Қараб кўзларим тўймайди: қип-қизил, чўғдай ёнади. Ким қўйиб қўйди экан уни бу ерга? Э, шу топда Шерлок Холмсликка бало борми? Топилганига шукур!

Ичувчининг дардини ичган билади. "Монашка"ни кўргач, қориннинг очлигию бу дунёнинг бўлар-бўлмас ташвишлари зумда ғойиб бўлди. Ахир вино ароқмиди, унинг газагига атрофингдаги ҳаво-ю крандаги сув ҳам бўлаверади-да. Энди бу гўзал "Mona Liza" хонимнинг кўнглига йўл топиш керак!

Даст туриб, тортмадан пичоқни олдимда, шишанинг оғзини очишга киришдим. Лекин унинг оғзидаги пўкак ўчакишгандек тоза инжиқ чиқиб қолди: на киради, на чиқади, худди узоқ кўришмаган ошиқдек Лизахоннинг оғзига маҳкам ёпишиб олган. Қўлда пичоқ, томоқ қақраганча қуруқ ютиниб шишага мастона тикиламан. "Сим-сим" эшигингни оча қолмайсанми, шишажон?

Кейинги уринишларим ҳам бефойда кетди. Хунобим ошиб сўкинаман: ароқ ичадиган обрўли одамман-у сен эса градуси кам мусаллас бўла туриб, ичаман десам, қонсифат жамолингни пўкак билан тўсиб намунча нозланасан... Биз ҳам кичкина одам эмас, қалами ўткир мухбирмиз, ахир! Ҳаҳа, ёзувчи деган номимиз бор! Агар ҳақ гапни айтадиган бўлсам, сен пўкак ўлгур, мана шу обрўйим учун мени кўрганда ўзингданўзинг "пақ" этиб отилиб кетишинг керак эди... Ўз ўйимга ўзим ишониб бир оз кутдим — отилмади, қурмағур. Тағин тамшанганча "Liza" хоннинг жамолига не умидда суқланиб тикиламан... Намунча кўзга яқину кўнгилдан йироқ бўлмасанг, тошбағир! Мунча ўртайсан!

Очаман! Бу ёғига астойдил қасд қилдим. Шу бугун сени ичмаган номард! Шартта "Mona Liza"нинг бўғзидан ушлаб ошхонага олиб чиқдим-да, стол тортмасидан чоғроқ замонавий очқич — "парма"ни топдим. Аммо бу очқич ўлгурнинг айланма бигизини минг айлантирсам ҳам пўкакка ботмайди, зўрлаб итарсам икки ёнидаги темир қанотлари кўтарилиб, ҳаволанади... уларни ёпсам, бигизи пўкакдан қочади. "Во-ажаб! Бу қандай бемаъни техника-я! Ўз вазифасини билмаган аблаҳ! — Роса бўларимча бўлдим. — Э, ўрғилдим, сендақа замонавий очқичдан, сени яратган устанга ҳам тупурдим!".

Уни қандай қилиб деразадан ташқарига улоқтирганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Ярамас очқич учди-ю кетди, аммо муаммо қолди. Кўнгил ўлгур бетоқат, ошқозоннинг ҳар битта ҳужайрасида ташналик. Мана бу ярамас пўкак эса ҳаммасига бепарво, беғам. Ахир бунақада қуруқдан-қуруқ ишлаб, ошқозон ишдан чиқади-ку. Бошим айланиб, кўзларим хиралашиб, кайфиятим тобора расво бўлиб боряпти...

Соатга қарайман: гўзал "Mona Liza" билан олиша бошлаганимга ҳам ярим соатдан ошибди. Ҳадемай хотин ишдан келади. Ичганингдаги кайфнинг дўзах азобидан фарқи қолмайди.

Ошхонадан ейилиб қилдай ингичкалашиб қолган пичоқни топдимда, зарб билан пўкакка санчдим. Пичоқ пўкак танасини қоқ ўртасидан тешиб ўтди. "Ўл-а! Бу кунингдан баттар бўл!" Аммо кўкси тешилса ҳам кўзи тешилмаган пўкаквой менга бақрайиб қараб турарди. "Вой жонинг тошдан бўлмай ўлгур-ей! Вой турқинг қурсин-ей!" — сўкишларни қалаштириб ташладим.

Ичмасам-да, мастдан баттар довдирайман. Энди бўйнига пичоқ суқилган "хоним" кўзимга душмандек кўрина бошлади. Душман! Ҳа-ҳа, душман! Душманни эса янчиш керак!

Кўзимга алвастидек кўринаётган "Mona Liza"ни ерга қўйиб, бир тепдим. Шиша сопигача санчилган пичоқ-мичоғи билан ошхонанинг нариги томонига қараб думалаб кетди. Думалашдан тўхтади, бўғзидаги пичоқнинг сопи эса мени масхара қилаётгандек узоқ ликиллаб турди. "Кўрамиз, — дедим баттар зардам қайнаб, муштимни тугиб. — Қани ким ютаркан, "Monash"кахон. Шишанинг ичида қачонгача яширинаркансан? Кўрамиз ҳали. Шу бугуноқ бошпанангдан айрилиб, хурмачамга келиб тушмасанг, отимни бошқа қўяман!".

Шишани балконга судраб олиб чиқдим-да, хуморидан чиққунча сўкдим, урдим, яна тепдим, охири қўл қовуштириб ёлбордим ҳам. Сал эси бўлса, бир гап айтар, ҳеч бўлмаса, мени ичишга чақирганлар-ку, деб пўкагини отиб юборар... Ҳе йўқ, чучварани хом санабман...

Унинг "ичимдан топ"лигига чапараста жаҳлим чиқди. Беор, қилтириқ пичоқ эса ярим белигача ботиб олиб, бахузур Liza хонимни сўриб ётибди. Рашким қўзиди. Сўрасўр, хонимчанинг домига илинмай ўл, қилтириқ!.. Шунда балконнинг бир бурчагида ётган болғачага кўзим тушиб қолди. Ҳозир бир боплаб таъзирингни бериб қўяй! Сен шишавой эса тамошасан, "Mona Liza"дек хонимчаларни бошқа бағрингда сақлолмайдиган бўласан...

Ана энди отам қилмаган ишни қиламан, ўзидан кўрсин, ҳурматини билмаган хасис, "қизил алвасти!".

Шартта шкафдан катта бир сирли мис тоғорачани олиб, унга "Mona Liza"ни ётқиздим-да, болғача билан нақ оч биқинига туширдим. Хонимча бир оҳ ургандек, "пақ" этди-ю, синиқ шиша парчалари ҳар томонга сочилиб кетди. Тоғорача қип-қизил шаробга тўлди. "Хонимча"ни докадан ўтказдим: ўзиям икки чинни чиқди. Ошхонага ўтиб, лўлаболишга ёнбошлаганча бутун борлиқни унутиб, "Liza" хонимдан "бўса" ола бошладим. Қачон иккинчи косага ўтганимни билмайман, "Liza" хоннинг кайфими ёки меҳрими элитиб, ухлаб қолибман. Аёл кишининг ногаҳоний фарёдидан чўчиб уйғониб кетдим.

— Нима... Нима бўлди? Ер қимирладими? — деб юборибман босинқираганча.

— Ўл бўлди, гўр бўлди! — балкондан аёл кишининг момақалдироқдек овози янгради. Овоз ўзимизнинг "Лизахонники" эди. Эловланиб кўзимни очдим-да, балконга мўраладим — хотиним балкон бурчагидаги синиқ стулга ўтирганча бир оёғини тиззасига қўйиб олиб, бош бармоғидан сизиб оқаётган қонни тўхатиш учун йод томизарди.

— Энди кунингиз шу вино ўлгурга қолдими? Алкаш! Уйда ёлғиз қолса, бир балони бошлайди-я, ярамас! Ҳозир мелиса чақириб, бериб юборайми? — дағдаға қилди хотиним. Кейин чиройли кўзларини нохуш ялтиратиб, чўнтагидан қўл телефонини чиқарди...

Юрагим шув этиб кетди. Ўзимни оқлашга сўз қайда? Аста туриб, балконга чиқдим. Шоша-пиша шиша синиқларини йиғиштириб, ахлат челагига солдим. Хотин "сотка"сини қўлида маҳкам ушлаганча мени кузатар эди.

— Бошқа такрорланмайди, — дедим ерга қараганча.

— Мингинчисими бу? — тутақиб ўшқирди хотиним, гўё ҳар ичган қасамимни санаб юргандек. — Қасамхўр!

Дамим ичимда, секин челакни қўлга олдим. Эшикка етканимда юрагим ўйнаб кетди: хотиним "сотка"сида кимгадир ниманидир уқтирарди...

Челакни бўшатиб келдим, аммо уйга киришга юрагим дов бермайди.

Энди эсон-омон кириб олсам, бош муҳарририм айтгандек, ичкиликни ташлаш ўйида, гўзал "Mona Liza" билан қандай топишганим-у, у билан қандай ажрашганим ҳақида ростакамига ҳажвия ёзадиганга ўхшайман... Мавзунинг келишини кўринг.

Қорбобонинг Янги йил ҳазили

— Қорбобожон, Қорбобо,
Совғалари бор бобо,
Қопиғизда нима бор?
— Совға-салом бисёр:
Озиниларга шоҳ ёғ,
Бадфеъллларга чоғ димоғ.
Семизларга самокат,
Қилиғсиз-ла, ҳаракат.
Ғийбатчи оғзига — қулф.

Иримчиларга куф-суф,
«Пишиқ»ка жиндай чиқим,
Кимгадир тўй бир сиқим,
Ғаллонга, мана, талқон,
Ишёқмасларга — кетмон.
Қани, яна қарайчи,
Ҳа, узун тилга — қайчи.
Баҳилларга қаламқир,
Ёлғиз чолларга — камзир.

Чақимчи бўлар чатоқ,
Мана, оғзига қопқоқ!
Банд бўлсин деб бақироқ,
Олиб келдим носқовоқ.
Учиқ тил бермасин панд,
Мана унга хўрозқанд.
Яна: олимга қопқон,
Мақтанчоққа телефон.
Совғаларим кўп ҳали,
Улгураман бергали.
— Раҳмат сенга Қорбобо,
Совғалари бор бобо.

Ҳимоят НАЗАРОВА

Ўзим ўқийман



Ширинтомоқ Шокирвой
Қобобони кутмоқда,
Хурсанд бўлиб, тамшаниб,
Йўлига кўз тутмоқда.

Қани эди, қопининг
Ичи гўла қанд бўлса.
Шокирвойнинг тўқтаги
Қанду қурс билан тўлса.

Қорбобонинг қор қизи,
Қорда кўринмас изи.
Арчамиз атрофида,
Кувноқ қизлар сафида.
Енида қуёнлари,
Майсун, олмахонлари.
Олмахон ёнғоқ чақар,
Қуёнга сабзи ёқар.
Майсун эса бош қашиб,
Ҳаммага хайрон боқар.

Йўлдош СУЛТОНОВ.

БИР ЖУФТ ҚЎШИҚ

Қўқон адабий муҳити ҳақида гап кетганда, энг аввало, шу табаррук заминда яшаб ижод қилган, келгуси авлодларга катта маънавий мерос қолдирган улуғ устозларнинг номи, асарлари ёдимизга келади. Бу муҳит бугун ҳам таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, бу майдонга шиддат билан кириб келаётган ёшлар мисолида ўз мавқеини сақлаб келмоқда.

Ана шундай ижодкорлардан бири, шоир ва муҳаррир Адҳам Мир Саид ижодига кўз ташлаганимизда, узтозларга хос яхши шеърий анъаналар бугун ҳам муносиб равишда давом этаётганига гувоҳ бўламиз. Шоирнинг "Ватан тупроғи", "Эзгулик", "Шукрона", "Бахт қасидаси", "Сиз саҳоват бобида қуёш" каби тўпламларига жамланган шеърларда буни аниқ тасаввур қилиш мумкин.

Қуйида шоирнинг янги ёзган бир жуфт қўшиғини газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

ФИДОЙИ МУҲАББАТМАН

Севдим сени эй дилбар, савдойи муҳаббатман,
Бу йўлдан агар тонсам, сазойи муҳаббатман.

Туташди ўт юракка, дунёда ўзинг якка,
Айб этма, нигор, танҳо гадойи муҳаббатман.

Дардимни англасанг бас, жонингга жоним пайваст,
Қалбимда улуғ бир сас — нидойи муҳаббатман.

Севгингни яширсанг-да, рашкимни оширсанг-да,
Йўлингга йўлим туташ, фидойи муҳаббатман.

Кўзларингнинг меҳридан, сўзларингнинг сеҳридан,
Кўкларда эрур бошим, садойи муҳаббатман.

Ишқингда ёнар Адҳам, севиб-севиб куйласам,
Гар вафо қилмас эрсанг — адойи муҳаббатман!

КЕЛГАНДА ЁР

Икки дилда тантана қилгай вафо, келганда ёр,
Янграгай илҳом билан тилда наво, келганда ёр.

Куйида минг изтироб чекдим висолин соғиниб,
Бўлгай эрди бартараф жабру жафо, келганда ёр.

Қизлар ичра дилрабоси, дилнавозим ул менинг,
Рашк этиб чақгай чақин ҳатто само, келганда ёр.

Нози бирлан гул ҳаётим болга айланса не тонг,
Гуркираб боғу чаман тоғгай жило, келганда ёр.

Ишқ билан гул дастала, мадҳин ўқиб куй бастала,
Адҳамо, дил орзуйинг этгай бажо келганда ёр.

Адҳам Мир САИД

Янги китоблар

"Сайланма"

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи янги йил арафасида ўз ўқувчиларига бир қатор янги асарларни тортиқ этди. Улар орасида таниқли шоир Азим Суюннинг сайланма китоби ҳам бор. Сайланмага шоирнинг кейинги йилларда яратган "Эй дўст" туркуми ва адабиётимизда янги жанр сифатида бўй кўрсатаётган "қайирмалар" тўғрисида адабий жамоатчилик билдирган фикр-мулоҳазалар киритилган. Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев Азим Суюн ижоди хусусида фикр юритар экан, шундай ёзади: "Қайирма" сўзининг ўзагида "қайиш", яъни пишиқлик, пухталик маъноси бор. Муайян ҳаётий босқичдан ўтиб, етарли турмуш тажрибаси ва керакли поэтик маҳоратга эга бўлгандан кейингина шеърда ҳам ёниқ юрак ҳароратини фалсафий фикрчаликда уйғунлаштириш имкони пайдо бўлади...".

"Сайланма" бугунги матбаачиликнинг юксак талаблари асосида чиройли қилиб безатилган.

Шоир ижодининг таҳлили

Заҳматкаш олимларимиздан бири Эркин Худойбердиевнинг "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган янги адабий-таҳлилий монографияси Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулланинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган. Олим узоқ йиллар давомида мазкур мавзуни тадқиқ қилиб, шоир ижодининг муайян босқичлари, ижодининг ўзига хос хусусиятларини ўрганади ва зарур хулосалар чиқаради. Монографияда шоирнинг "Истиқлол достони", "Онаизор" лиро-эпик поэмаси ва "Тазарру" шеъри чуқур таҳлил қилинган бўлиб, китоб шоир ижодини ўрганувчилар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.



Монография филология фанлари доктори У.Тўйчиев таҳрири остида чоп этилган.

Оила самимияти

Узоқ йиллар давомида фаол ижод қилиб, кўплаб ҳужжатли қиссалар, ҳикоялар, эссе ва лавҳалар, таъсирчан публицистик мақолалар ёзган ҳамкасбимиз Санъат Маҳмудованинг номи кўпчиликка яхши таниш. Санъат опанинг, айниқса, аёллар олами, оилада фарзанд тарбияси, меҳр-оқибат мавзусидаги чиқишлари ўқувчиларда жиддий қизиқиш уйғотади. Муаллифнинг янги "Бебаҳо келинойим" ҳужжатли қиссаси ҳам шу йўналишда бўлиб, унда катта бир сулола ҳаёти, оналар ва болалар, келин-қайноналар муносабати, аҳил-иноқлик хусусида гап боради. Қиссага таниқли журналист Гулчеҳра Йўлдошева сўзбоши ёзган.

ЭРКИН СИДДИҚ НИМА ДЕЙДИ?

Туркумдан

СИЗ БЕМАЛОЛ ҚАЙТАВЕРИНГ

Ёшлар нашриётида ишлаб юрган кезларимиз. У пайтлари ёш шоирлар китоб чиқариш учун йиллаб навбат кутишарди. Нашриёт режаси эса бир неча марта тасдиқдан ўтар, тинимсиз ўзгариб турарди. Деярли ҳар куни ишхонага вилоятлардан шоирлар келиб, қўлёзмалари ҳаракатга тушгантушмагани билан қизиқишарди.

Ҳар йили кузда ноширлар ҳам пахта теримига жалб қилинар, бирор киши бу ишдан ўзини четга олса, мукофотдан маҳрум бўларди.

Ана шундай кунларнинг бирида ишхонада Эркин ака қоровул Фозил ака билан ҳангомалашиб ўтирган экан, эшик аста очилиб, нашриётнинг шеърият бўлимига қўлёзмасини анча аввал ташлаб кетган ёш шоир йигит ийманибгина кириб келибди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом, келинг йигитча, хўш хизмат, — дебди Эркин ака мулойимлик билан.

Ҳаваскор шоир Эркин аканинг салобатидан гапини йўқотиб қўйибди.

— Ҳойнаҳой иш сўраб келгандирсиз, бизда уч киши навбат билан қоровуллик қилишади, ҳозирча уччалалари бинойидек ишлаб туришибди, устиларидан шикоят тушаётгани йўқ, беш-олти йилдан кейин бир хабар оласизда, укажон...

— Йўқ, мен...

— Э-ҳа, бирор кишининг ўрнига пахта теримига бормоқчимисиз?

— Йўқ, ҳалиги...

— Дарвоқе, кўзимга иссиқ кўринаяпсиз, ҳойнаҳой, пастимиздаги магазинда ишласангиз керак? Нима, дўконга гўшт келдими?

— Мен... ҳалиги, шеърларимни ташлаб кетувдим, нима бўлдийкин, шуни билгани...

— Э, шунақа демайсизми, шеърларингиз кўпмиди?

— Ҳа, юэтача бор эди.

— Янгимиди?

— Янгилари ҳам, эскилари ҳам...

— Хавотир олманг, йигитча, — дебди Эркин ака меҳрибонлик билан. — Бизда ҳозиргача бирор кишининг қўлёзмаси йўқолган эмас. Менинг ўзимда йигирма бешта қўлёзма бор. Сейфга жойлаб қўйибман. Ҳар куни, кунора очиб, бир-бир шамоллатиб қўяман. Менга ёқиб қолдингиз, укажон. Худо хоҳласа, шеърларингизни топиб, сейфнинг тўрига олиб қўяман. Сиз бемалол қайтаверинг...

ДАДИЛЛИК

Бир йили Эркин ака билан машинада Жиззахга бориб, ўша йиллари донгдор пахтакор сифатида чўлда машҳур бўлган совхоз директорининг уйида меҳмон бўлдик. Зиёфат биз кутганимиздан ҳам аъло бўлди. Уй эгаси шахматга ишқибоз экан, қўни-қўшнилари, собиқ райком котиби, яна бир-икки киши келиб, ўзаро мусобақа қилишмоқчи бўлишди. Ютқизган киши навбатдаги зиёфатни зиммасига олади.

Мен мезбонларга бош бармоғим билан Эркин акани кўрсатиб, "Эҳтиёт бўлинглар, шахматни зўр ўйнайди, шу чоққача бировга ютқизган эмас", деб шивирлаб қўйдим. Фикримни худди эшитиб тургандай, Эркин ака: "Қани, бир-икки партия ўйнанглар-чи, юришларингни кўрайчи", деди.

Мусобақа бошланди. Эркин ака мезбонларга эшиттириб мендан сўрайди:

— Карпов Багиода Корчной билан ўйнаганидаги ўн еттинчи партия эсингиздами?

— Ҳа, эсимда. Ўттиз иккинчи юришда Анатолий фили билан рақиб пиёдасини урмай, нақд ютуқни қўлдан бой берган-а.

— Шу ҳолат бир вақтлар Капабланка — Ласкер ўйинида ҳам юз берган, аммо Ласкер филини мардона қурбон қилиб, ғалабага эришган, — деди Эркин ака. — Дадилликни Фишердан ўрганиш керак. Спасскийни дадиллиги учун таъзирини берган. Унинг юришларига беш кетаман-да!

Ҳазилни давом эттирдим.

— Эркин ака, ўзингиз ҳам беш йилча олдин Мамажон ака Муҳиддинов билан ўйнаганингизда қора отни оқ филга алиштирмай, сал қолган ютқизиб қўйишингизга...

— Ҳа, — деди Эркин ака кўзойнагини тозалар экан, — ўшанда мен устоз пиёдани с7 хонасига суришини сира ўйламаган эканман.

— Отни а4 дан с5 га олиб ўтганингизда ҳам бўлар эди-ку?

— Йўқ, бўлмасди, Мамажон ака руҳни е8 га босишга тайёр бўлиб турганди...

Бу гаплардан кейин биз билан ўйнашга мезбонларнинг чоғи келмади.

Аҳмад OFA

«Гулистон» 2009, 6-сон

Журналнинг янги сони мундарижасидаги адабиётларимизга, миллий санъатимиз, ҳунармандчилик, спорт ва тарихимизга доир бир қанча долзарб мавзулардаги мақолалар жой олган. Хусусан, профессор Н.Баҳриддинованинг "Мақолесидов мусиқасининг" шоир маҳоратига таъсири ҳақида фикр юритилган, З.Носирова Суҳоли Ҳарбий қишлоқ хўжалиги мактаблари ҳақида ҳикоя қилади. Олимлар М.Бекмуродов ва А.Маҳмудов тақризида "Мустақил Ўзбекистон тарихига кириб келиш" тўплиги, "Қаҳ-ҳ" ҳикоялар иккинчи нашри таҳлил этилган.

Маҳкам Маҳмуднинг "Олдин оҳанг, сўнгра сўз", Кучкор Ҳаназаровнинг "Ҳаётсоҳиятга нечта тил керак?", Адҳамжон Алимбекованинг "Сайрамнинг сарин шабадалари", (Мирпўлат Мирзо ижодига бир назар) сарлавҳали мақолалари, Шермурод Суҳоли таниқли ҳонанда Тошпўлат Маткаримов билан суҳбати журналнинг ушбу сонини мазмунан бойитган.

Жаҳон маданияти ва адабиётининг турли мавзуларидаги мақолалар ҳам мушгарилларда қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Хусусан, Р.Зариповнинг "Артемида ибодатхонаси", М.Тенгалишевнинг "Менинг Америкам" мақолалари ва Борхеснинг "Нарги одам" ҳикояси (Ш.Суҳоли таржимаси) ана шундай ўқишли материаллар сирасидан.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида ёшлар спортига бағишланган фотолавҳалар, саломатлик, саргузашт мавзуларидаги қизиқарли мақолалар ҳам эълон қилинган.

Ижодий кеча

Бухоролик шоир Ғулом Шомуродов кейинги йилларда анча фаол ижод қилаётган қаламкашлардан бири. Унинг "Шабнам жилваси", "Ойдинда кезаман", "Соғинч соҳили" сингари ўндан ортиқ шеърий тўпламлари, истиқлол йилларида яратган янги туркумлари, даврадош дўстлари ҳақидаги эсселари ўз ўқувчисини топган.

Яқинда Бухоро вилояти Жондор тумани марказий маданият саройида шоир ва журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ғулом Шомуродов ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби Тошпўлат Аҳмад кечани очиб, бугун қутлуғ ёшини нишонлаётган шоирнинг ижоди ва меҳнат фаолияти тўғрисида қисқача сўзлаб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг қутловини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг сўз олган туман ҳокими Карим Раҳимов, ижодкорлар Самандар Воҳидов, Садриддин Салимов, Бахшулла Ражаб, Жаҳонгир Исмоилов, Барнобек Эшпўлатов ва бошқалар шоир ижодининг ўзига хос хусусиятлари, туман, вилоят маданий ҳаётидаги ўрни, хусусида фикр юритдилар. Маданият саройи қошидаги "Эътиқод" халқ театри қатнашчиларининг дастури кеча файзига файз қўшди.

Янги йил ҳатнаналари

ҲАВФЛИ ОДАТ

Дунё халқлари янги йилни турлича кутиб олишади. Бу тўғрида жуда кўп ёзилган. Янги йилда нуқул курка товуқ гўшти ейдиган, тунни кўчада шаробхўрлик билан ўтказадиган, иложи бўлса, йилнинг кириб келишини меҳмонда кутиб оладиган одамлар бор. Баъзи бир халқларда уйдаги эски нарсаларни янги йил кечаси деразалардан улоқтириш одати бор. Яна шундайлар ҳам борки, улар қариндошлари, дўст-қадрдонларига янги йил қутлови юбориш бўйича норасмий мусобақада ғолиб бўлишни орзу қилишади.

Машҳур қинода кўрганимиздек, янги йил арафасида улфатлар билан... ҳаммомга бориш ҳам баъзилар учун роҳатбахш анъана. Фақат шу эмас, янги йилнинг биринчи куни тоғ сайрига отланиб, чанғида учиб бораётиб, бир-бирларига бўса ҳадя қилиш ёки тезликни камайтирмай, қорга "Мен сени севаман" деган сўзларни ёзиш ҳам бор.

Африкадаги қабилалардан бирида янги йил оқшоми қўна бошлагач, қабила бошлиғи йил давомида эгнидан қўймаган эски кийимларини оловга ташлар экан, шу оловда исиниш қабила аъзоларига омад келтирар эмиш. Бошқа бир қабиланинг одати бундан-да антиқа — янги йил кириб келишига беш-ўн дақиқа қолганида гулханлар ёппасига ўчирилиб, ёппасига... ўпишиш бошланар экан...

Бу одатлар ичида менга ўта қизиқ туюлгани мана буниси бўлди. Овруполик Герхард исмли йигит йил бўйи дўстлари ва қариндошларидан янги йилнинг сўнгги кунигача қайтариш шарти билан қарз олар экан. Қарзни қайтариш вақти-соати етганида, у почтага бориб, унга қарз берган кишиларнинг ҳар бирига шунақа ажойиб қутловлар юборар эканки, улардаги: "Сиз дунёдаги энг саховатли, энг сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли инсонсиз, суянган тоғимсиз, ҳосили мўл боғимсиз, марҳаматингизнинг чеки-чегараси йўқ", деган сўзлар ҳақдорларни ийитиб юборар экан...

Шу сўзларни қоғозга туширдим-у, ўйланиб қолдим — ишқилиб мана шу "одат" бошқа ёқларга ҳам ёйилиб кетмаса-да...

ШУМ БОЛА

ЧП "SARDOR ORTACH" (ИНН-300739162) зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательство хокимията Юнусабадского р-на г.Тошкента реест № 003566-10 от 2008 г, 28 февраль **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** (Решениие директор №3 28.12.09г.) Претензии пренимаются в течение 2-месяцов со дня публикации обявления по адресу: ул, Х. Эргашева д-56. тел: 724-74-66.

* * *

Утерянный документы ООО "MASH HIM" г.Наманган, ул Касансайская, дом №8. Тел:8-369-226-75-35; +99 869-216-21-82.

— Свидетельство о регистрации (Гувохнома) №3855;

— Сертификат соответствия из 3-х листов №0725277; 0737503; 0738390.

— Гигиенический сертификат из 2-х листов №179669; 179675 **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 11-мактаб томонидан 2004 йилда Абидова Гулнора Ахмаджановна номига берилган И № 0972235 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси

Холмурат САПАРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 233-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи — Иқбол ҚЎШШАЕВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 17.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 6911. Буюртма Г — 49. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Тиражлотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН